Биография

Шарифа Искандарова



Шарифа Мадалиевна Искандарова 1963 йил 12 январда Марғилон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1970-1980 йилларда шаҳардаги 10-ўрта мактабда, 1980-1984 йилларда Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги ФарДУ) ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. 1984 йили институтни имтиёзли диплом билан тугаллаб, Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) туманидаги 17-ўрта мактабда, сўнгра Марғилон шаҳридаги 9-ўрта мактабда она тили ва адабиёти фанидан сабоқ берган.

Ш.Искандарова 1990 йилдан бери Фарғона давлат университети филология факультетида фаолият кўрсатмоқда. Бу йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида меҳнат қилган, 2009-2014 йилларда филология факультети тилшунослик кафедраси мудири лавозимида ишлаган. Ҳозир кафедра профессори лавозимида ишламоқда.

Республика тилшунос олимлари ўртасида ўз мавқеига эга бўлган Ш.Искандарова профессор А.Матғозиев раҳбарлигида 1994 йилда Самарқанд давлат университети қошидаги Ихтисослашган илмий кенгашда “Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1999 йилда профессор А.Нурмонов илмий маслаҳатчилигида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Ихтисослашган илмий кенгашда “Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони)” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилган. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг қарорига мувофиқ профессор илмий унвонини олган.

Биография



Ш.Искандарова - ўзбек тилшунослиги, тилга систем-структур асосда ёндашув билан боғлиқ янги йўналишнинг ривожига, давлат тилининг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги мавқеини оширишга, маънавий меросимизни тарғиб қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган тилшунос олима. Тадқиқотчи тилшунослик назарияси, лексикология, лексикография, грамматика, тилни система сифатида ўрганиш, лингвистикада майдон назарияси, прагматика, этнолингвистика муаммолари бўйича иш олиб боради. Ш.Искандарова тилшуносликда майдон назарияси йўналиши бўйича қатор тадқиқотлар муаллифидир.

Истиқлол йилларида халқимизнинг миллий ғурури – она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келаётган олима сифатида ҳурмат қозонган. Олима тилшунослик фанида илмий-назарий қарашлари, олиб бораётган тадқиқотлари билан ўз ўрнига эга, у тилшуносликнинг табиий фанлар билан алоқаси доирасида ўзбек тилшунослигига илк бора майдон назариясини олиб кирган. Бугунги кунда мазкур янги назарий концепцияни ривожлантириш йўлида тинимсиз изланиш олиб бормоқда. Шу кунгача унинг раҳбарлигида 4 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди, ҳозирда 10 га яқин тадқиқотчилар илмий изланиш олиб бормоқдалар. Ш.М.Искандарова илмий раҳбарлигида олиб борилаётган тадқиқотлар тил системасига майдон асосида ёндашув муаммоларига, умуман, бугунги кунда кенг тарқалган тилнинг ўзига хос хусусиятларини янгича асосда, систем-структур нуқтаи назардан ўрганиш билан боғлиқ масалаларга қаратилган.

Олима республика илмий ҳаётида фаол иштирок этади, 2003-2005 йилларда Фарғона давлат университети ҳузуридаги тилшунослик йўналиши бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг раис ўринбосари вазифасини бажарган.

Биография



Ш.Искандарова 2008 йилдан буён ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти қошидаги тилшунослик йўналиши бўйича докторлик илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган илмий Кенгашнинг аъзоси сифатида қатор докторлик ва номзодлик диссертацияларининг муҳокамасида иштирок этди, мазкур илмий Кенгашда 6 та докторлик, 10 дан ортиқ номзодлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилди. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Фарғона давлат университети қошидаги тилшунослик ва адабиётшунослик йўналиши бўйича докторлик илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослашган Кенгаш аъзоси.

Оилали, икки фарзанднинг меҳрибон онаси, тўрт набиранинг севимли бувижониси.

Ш.Искандарова илм-фан, таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқлари, самарали меҳнатлари, ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги муносиб хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 2006 йилда “Шуҳрат” медали, 2012 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган.

Асарлари:

1993

Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фанл. номз.... дисс. автореф. Самарқанд

1995

Ўзбек тилидаги лексемаларни тизим сифатида ўрганиш масаласига доир. Тил ва адабиёт таълими. 5-6-сон

Ўзбек тилидаги шахс номларини тизим сифатида ўрганиш. Ўзбек тили ва адабиёти. 5-6-сон.

1996

Лингвистикада майдон назарияси ва унинг тил бирликларини система сифатида ўрганишдаги аҳамияти. ФДУ. Хабарлар. Научный вестник. 1-сон. Б. - 45-48 (ҳаммуаллиф)

Семантик майдонда полисемантик сўз маъноларининг муносабати масаласи. ФДУ. Хабарлар. Научный вестник. 3-сон. Б. - 111-112

Шахс микромайдони бирликларининг семантик таҳлили. ФДУ. Хабарлар. Научный вестник. 4-сон. Б. - 38-40

1997

Структур семантиканинг баъзи масалаларига доир. Тил ва адабиёт таълими. 1-сон. Б. - 72-74

Мазмуний майдоннинг мантиқий тузилиши. Ўзбек тили ва адабиёти. 2-сон. Б. - 66-69

Ўзбек тилидаги умумлашган шахс номларининг семантик таҳлили. Ўзбек тили ва адабиёти. 3-сон. Б. - 24-27

Мазмуний категориялар ва уларнинг тил бирликларини таснифлашдаги аҳамияти. Ўзбек тили ва адабиёти. 6-сон. Б.- 25-27..

1998

Ономасиологический подход к изучению функционально-семантического поля лексики узбекского языка. Преподование языка и литературы, № 1. С.-22-25.

Олий мактабда мазмуний майдон муаммолари. Тил ва адабиёт таълими. 3-сон. Б. – 27-30.

Ономасиология муаммолари ва ўзбек тили лексикасини майдон сифатида ўрганиш. Ўзбек тили ва адабиёти. 3-сон. Б. – 28-31.

Ўзбек тилида шахс номларининг поғонали муносабати. Ўзбек тили ва адабиёти. 5-сон. Б. – 18-20.

Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. Илмий рисола. Тошкент: Фан. 52 бет

1999

Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фанл. докт.... дисс. автореф. Тошкент, 52 бет.

Ўзбек тилидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат асосида фарқланган шахс номлари. Тил ва адабиёт таълими. 4-сон. Б. – 22-24.

Асарлари:

2000

Мазмуний майдонни ташкил этувчи лексемаларнинг ўзаро муносабати. Ўзбек тили ва адабиёти. 4-сон. Б. – 16-17

.

2001

Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. Ўқув қўлланмаси. Тошкент: Янги аср авлоди 164 бет (ҳаммуаллиф).

Лексикология ва лексикографияга хос масалаларни уйғунликда ўрганиш. Тил ва адабиёт таълими. 4-сон. Б. - 22-25.

2002

Илмга бахшида умр. Илмий-оммабоп рисола.Фарғона. 35 бет.

2003

Ўзбек тилидаги анемонимларнинг парадигматик тадқиқи. ФДУ. Хабарлар. Научный вестник. 3-4-сон. Б. - 75-79

Гапнинг марказий бирликлари ҳақидаги қарашлар. Наука. Образование. Техника. Кыргызско-Узбекский университет. Международный научный журнал. Ош, № 1-2.- С.-10-12.

К изучению тюркских языков как лексической системы. Наука. Образование. Техника. Кыргызско-Узбекский университет. Международный научный журнал. Ош, № 1-2.- С.-13-14.

2006

“Тафаккур” архисемали барқарор бирликларнинг семантик хусусиятлари. Наука. Образование. Техника. Кыргызско-Узбекский университет. Международный научный журнал. Ош, № 1. - С.-13-16.

Анъанавий ва систем тилшунослик муносабати масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти. 4-сон. - Б. - 47-51 (ҳаммуаллиф).

Ўзбек тилидаги маросим номлари билан боғлиқ бирликлар хусусида. Нутқ лингвистикаси. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд, Б.134-135.

Систем тилшунослик асослари. Услубий қўлланма.Фарғона 104 бет

Она тили дарсларида ўйинлардан фойдаланиш. Услубий қўлланма. Фарғона 58 бет

2007

Тил системасига майдон асосида ёндашув. Монография. Тошкент: Фан.- 152 бет.

Умумий тилшунослик. Ўқув қўлланма. Андижон.- 210 бет (ҳаммуаллиф).

Этнолингвистик бирликлар тил системасининг таркибий қисми сифатида. ФДУ. Хабарлар. Научный вестник. 1-сон. – Б.-32-35.

Тил мазмуний структурасида тўсиқсизликнинг ўрни. Хорижий филология. Тил-адабиёт-таълим. Илмий-услубий, адабий-бадиий журнал.СамДЧТИ, 2 (23)-сон. – Б.-21-24.

Анемонимларни ифодаловчи топишмоқларнинг семантик тузилиши. Тил ва адабиёт таълими. 3-сон. - Б.-19-22.

Асарлари:

Қилмоқ феълининг мақоллардаги семантикаси. Ўзбек тили ва адабиёти. 4-сон. – Б.-71-73.
Ўзбек тили таълимига фаннинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш. Таълим технологиялари. Илмий-услубий журнал. 2-сон. – Б.-5-6

2008

Оламнинг лисоний манзараси ва дейктик бирликлар ҳақида. ФДУ. Хабарлар. Научный вестник. 1-сон.
Тилшунослик назарияси. Ўқув қўлланма. Тошкент: Фан. 176 бет (ҳаммуаллиф).

2009

Лексик-семантик система талқинлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2-сон. – Б.-43-45.

2010

Нутқ жараёнида ассоциацияларнинг воқеланиши. АнДУ. Илмий хабарлар. Андижон. № 2.Б.85-88.

2011

“Спорт” архисемали лексемаларнинг компонент таҳлили. Ўзбек тили ва адабиёти. 6-сон. – Б.-101-103.
Tilshunoslik nazariyasi. O’quv qo’llanma/ Farg’ona. 154 bet. O`quv qo`llanma/ Farg`ona. 154 bet

2012

O`zbek tili. O`quv qo`llanma. Tohskent. -268 bet.
Тилимиз фидойиси. А.Нурмонов. 3 жилдлик танланган асарлар. I жилд. Тошкент. Б.- 4-27.

2013

Қўшма гаплар таснифи тамойиллари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2-сон.- Б. 7 – 11 бет.
Луғавий бирликларнинг грамматикализация даражаси хусусида. АнДУ. Илмий хабарлар. Андижон. № 4.Б.78-81-бет.

2014

Оламнинг илмий ва лисоний манзараси. Илм сарчашмалари. УрДУ илмий хабарлари. Урганч. № 5.Б.32-34-бет.
Тилшуносликнинг назарий масалалари. Услубий қўлланма. Фарғона. 123 бет

Copyright © 2022
All Rights Reserved.